

Кунлар ўтган сари рўза...

03:14 / 14.06.2017 3594

Кунлар ўтган сари рўза ҳам гўё динга алоқаси йўқдек оддий кунларга ўхшаб кетмоқда. Тонггача алвон хил таомлар еб, куракда турмайдиган гапларни гаплашиб чиққанимиздан рўза ғийбат ва чақимчиликдан иборат бўлиб қолмоқда. Урф одатларимиз, учрашувларимиз, тунни бедорликда ўтказишимиз, йиғинларимиз рамазонга тўғри келиб қолмоқда. Гўёки бу ой еб ичиш ойидек, ундан бошқаси эмасдек. Биз диннинг асл гавҳари ва ҳақиқатидан йироқлашсак ибодатларимиз ҳам расмиятчиликка ўхшаб, асл мазмунидан йироқ бўлиб қолмоқда.